

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.170.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**РУЗИҚУЛОВ МАХМУДЖОН МАЖИДОВИЧ**

**БОШ МИЯ ҚОН-ТОМИРЛАРИНИНГ КАТТА ВА ГИГАНТ  
АНЕВРИЗМАЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА  
МИКРОЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ**

**14.00.28 – Нейрохирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

**Рузикулов Махмуджон Мажидович**

Бош мия қон-томирларининг катта ва гигант  
аневризмалари бўлган беморларни  
диагностикаси ва микрожаррохлик  
даволашнинг замонавий усуллари..... 3

**Рузикулов Махмуджон Мажидович**

Современные методы диагностики  
и микрохирургического лечения  
больных с большими и гигантскими  
аневризмами сосудов головного мозга..... 33

**Ruzikulov Makhmudjon Majidovich**

Modern methods of diagnosis and microsurgical  
treatment of patients with large and giant  
cerebral vascular aneurysms ..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 71

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.170.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**РУЗИҚУЛОВ МАХМУДЖОН МАЖИДОВИЧ**

**БОШ МИЯ ҚОН-ТОМИРЛАРИНИНГ КАТТА ВА ГИГАНТ  
АНЕВРИЗМАЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА  
МИКРОЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ**

**14.00.28 – Нейрохирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Tib663 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.neuro.uz](http://www.neuro.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Кариев Гайрат Маратович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алиходжаева Гулнорахан Алаутдиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мирзабаев Марат Жумабекович**  
тиббиёт фанлари доктори  
(Қозоғистон Республикаси)

**Мирджураев Элбек Миршавкатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ужгород миллий университети**  
(Украина)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/04.07.2023.tib.170.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улўғбек тумани, Хумоюн кўчаси, 40 уй. Тел./факс: (+99871) 264-96-22, e-mail: [admin@neuro.uz](mailto:admin@neuro.uz))

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улўғбек тумани, Хумоюн кўчаси, 40 уй..Тел./факс: (+99871) 264-96-22

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.М. Кариев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Р.О. Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**Р.М. Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

### Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмалари, энг муҳим ва долзарб ижтимоий-иқтисодий ва тиббий муаммолардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра " Бош мия қон-томирлари аневризмалари ёрилишидан келиб чиққан субарахноидал қон кетиш цереброваскуляар касаллигининг энг оғир турларидан биридир"<sup>1</sup>. Катта ва гигант аневризмалари бор беморларнинг 80% гача бўлган қисмида касаллик белгилари намоён бўлганда ва жаррохлик муолажалари бажарилмаса касаллик бошланганидан кейин бир неча йил ичида беморларнинг касаллик асоратлари натижасида вафот этиши кузатилади. Бунга аневризмани ёрилиши, катта ва гигант аневризманинг атрофдаги мия тузилмаларига таъсири ёки ишемик асоратлар сабаб бўлиши мумкин. Бу беморларни даволашдаги долзарблиги клиник жиҳатдан катта қизиқиш ва аҳамиятга эга: улар меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларда аниқланади, кўпроқ аёлларда учрайди (жинсга нисбатан 1,70:1) ва улар одатда қон қуйилишлари (45,94%) ёки умумий мия белгилари ёки кўриш бузилишлари билан кечувчи ўсмага ўхшаш симптомлари (51,80%) билан намоён бўлади. Бу эса ушбу муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмаларининг клиник кечишини ўрганиш, замонавий ташхис ва микрожаррохлик усуллари ишлаб чиқиш ва катта ва гигант бош мия қон- томирлари аневризмалари бўлган ва аневризма ёрилмаган беморларни даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш дунёдаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу ҳасталиқни даволашнинг асосий ва самарали усули микрожаррохлик эканлиги исботланган. Шу билан бирга, микрожаррохлик ёндашувларни мушкуллиги аневризманинг жойлашуви, аневризма ўлчами, қон кетиш ҳажми ва бошқа кўплаб мезонлар билан белгиланади. Катта ва гигант аневризмаларни даволашнинг микрожаррохлик услубларини оптималлаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хусусан, турли нейрохирургик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикаимизда, аҳолига шошилинич тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш ва жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада "...мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга..."<sup>2</sup> қаратилган вазифалар белгиланган. Бу

<sup>1</sup> WHO. World Stroke Organization, 2022; WHO A life free from stroke—world stroke organization's global policy agenda. Geneva: World Stroke Organization, 2022

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мажмуи чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармони

эса, бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмалари билан беморларга эрта диагностика қилиш, ўз вақтида нейрожарроҳлик ёрдам кўрсатиш, ўлим кўрсаткичларини ва операциядан кейинги асоратларни камайтириш; жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бирламчи тиббий бўғин даражасида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Илмий тадқиқот республиканинг илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмаларини ташхислаш ва микрожарроҳлик йўли билан даволашга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида олиб борилади, жумладан: Лунд университети (Швеция); Кембриж университети, Оксфорд университети (Буюк Британия); Ғарбий Австралия университети (Австралия); Ҳадасса университети (Исроил); Емори университети; Чикаго университети, Бирмингемдаги Алабама университети (АҚШ); Барроу неврологик институти (АҚШ); Хелсинки университети (Финляндия); Нагоя университети ва Асаҳикава университети (Япония); Акад. Н.Н. Бурденко номидаги Миллий илмий тадқиқот нейрохирургия институти (Россия Федерацияси); Проф. А. Л. Поленова номидаги илмий тадқиқот нейрохирургия институти (Россия Федерацияси) ; И.И. Джанелидзе номидаги шошилич тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институти; Н.В. Склифосовский номидаги шошилич тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси); Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон) ) да олиб борилмоқда.

Бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмаларини клиник ва неврологик ташхисидаги аниқланмаган ҳолатлар, невровизуализацион ва инструментал ташхисоти ва даволаш бўйича олиб борилган илмий

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.neurosurgery-online.com](http://www.neurosurgery-online.com); [www.mdpi.com/journal/neurolint](http://www.mdpi.com/journal/neurolint); [www.journals.lapub.co.uk/index.php/ro\\_neurosurgery](http://www.journals.lapub.co.uk/index.php/ro_neurosurgery); [www.unab.cl](http://www.unab.cl); [www.berkeley.edu](http://www.berkeley.edu); [www.neurology.ru](http://www.neurology.ru); [www.kangwon.ac.kr](http://www.kangwon.ac.kr); [www.journals.elsevier.com/world-neurosurgery-x](http://www.journals.elsevier.com/world-neurosurgery-x); [www.cau.ac.kr](http://www.cau.ac.kr); [www.uniroma1.it](http://www.uniroma1.it); [www.yonsei.ac.kr](http://www.yonsei.ac.kr); <https://elibrary.ru>; [www.journals.elsevier.com](http://www.journals.elsevier.com); [www.bsmu.by](http://www.bsmu.by); [www.narmed-u.ac.jp](http://www.narmed-u.ac.jp) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: (University of Oklahoma, University of Chicago, Columbia University (АҚШ); проф. А.Л. Поленов номидаги Россия илмий-тадқиқот нейрожарроҳлик институти (Россия Федерацияси)); Катта ва гигант аневризмалар билан беморларни даволаш натижаларини прогноз қилиш бўйича назарий ишланмалар, илмий ишларда ютуқларга эришилган IU School of Medicine (Хиндистон); Wyckoff Heights Medical Center, (АҚШ); Stroke and Intensive Care Unit, Clinical Department of Neurology, Sveti Duh University Hospital, (Хорватия); Н.В. Склифосовский номидаги Москва шаҳар илмий-тадқиқот тез ёрдам институти (Россия Федерацияси)); Катта ва гигант аневризмаларнинг клиник ва неврологик ташхисидаги аниқланмаган ҳолатлар, айниқса болалар, қариялар ва кекса ёшдаги беморларда унинг оқибатлари ўрганилган (Jilin University, Department of Neurosurgery (Хитой); Free University of Berlin (Германия); Department of Neurosurgery (АҚШ)); Бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмаларини ташхислашда нейровизуализация усулларида (МСКТ, МРТ ва селектив ангиографияси)дан кенг фойдаланиш зарурлиги кўплаб олимлар томонидан аниқланган (Harvard Medical School (АҚШ); Department of Neurosurgery, Shuto General Hospital, (Япония)) тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, аневризма ёрилгандан кейинги ангиоспазм, ишемиянинг ривожланиши ва бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмаларида учрайдиган нохуш натижаларнинг юзага келиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланган (Акад. Н.Н. Бурденко номидаги Миллий нейрожарроҳлик илмий-тадқиқот маркази (Россия Федерацияси)); етук мутахасислар томонидан, даволашда миниинвазив операциялар, реконструктив, микрожарроҳлик операциялари ва янги тиббий технологияларни кенг қўллаш исботланган University of Helsinki (Финляндия), (Near East University, Department of Neurology, (Кипр), Н.В. Склифосовский номидаги шошилич тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси), Нагоя университети ва Асаҳикава университети (Япония).

Дунёда бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмаларини жарроҳлик даволаш усуллари тизимлаштириш, нейровизуализация, ултратовуш, нейрофизиологик ташхислашда прогнозлаш имкониятларни ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Кўплаб тадқиқотлар операцияларга дифференциал ёндашувларни такомиллаштириш, инновацион эрта ташхислаш усуллари тадбиқ этиш, катта ва гигант аневризмаларни юқори технологик жарроҳлик даволаш ва натижаларни прогнозлашга қаратилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда, ҳатто замонавий ташхис усулларида фойдаланган ҳолда ҳам, бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмаларини шифохонага ётқизиш ва дифференциал даволаш глобал муаммо бўлиб қолмоқда ва бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмаларининг кўплаб ҳал этилмаган саволлари билан боғлиқ мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида

бўлиб келган (Campos JK, Ball BZ, 2019; Luzzi S, Gragnaniello C, 2020; Bibi, R, 2023).

Бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмаларини даволаш усуллари, республикамизда ҳам, чет элда ҳам кенг ўрганилмоқда. Ҳозирги вақтгача, жарроҳлик жамоатчилиги орасида энг кўп баҳслар бош мия катта ва гигант аневризмаларни ташхислашни оптималлаштириш, турли хил жарроҳлик даволаш усуллари қўллаш ва уларнинг самарадорлиги каби масалалар аниқланган (Aguiar G. V., 2020; Крылов В.В., 2019; Пилипенко Ю.В., 2024). Олиб борилган адабиёт таҳлили, катта ва гигант аневризмаларда янги технологияларни қўллашнинг назарий жиҳатларига ва клиник тажрибасига оид масалалар кўрсатадики, даволаш натижаларини прогноз қилиш ва бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмаларини даволашнинг фарқланган тактикасини ишлаб чиқиш энг долзарб масала ҳисобланган (Крылов В.В., 2022; Alejandra M., 2024).

Ўзбекистонда ушбу соҳа мутахассислари бош мия ичидаги жароҳатсиз қон кетишининг ташхиси ва даволаш муаммолари каби масалалар ўрганилиб келинган. Хусусан, геморрагик инсультни очик жарроҳлик йўли билан даволаш (Қариев М.Х., 2008), нейроэндоскопик операциялар (Махкамов К.Э., 2009) ва, бир қатор тадқиқотларга бағишланган. Жароҳатсиз калла ичи қон кетишларини даволаш (Қариев Г.М., 2005), жароҳатсиз мия ичидаги қон кетишларни даволаш натижаларини башорат қилиш аниқланган (Якубов Ж.Б.), жарроҳлик натижаларини яхшилаш учун мосламалар яратилган (Агзамов М.К., 2009), кичик ҳажмли гематомаларни олиб ташлаш (Махкамов К.Е., Қўзибоев Ж.М., 2010), болаларда жароҳатсиз калла ичи қон кетишларни даволаш хусусиятлари (Насимов С.Т., 2020), артериовеноз малформациялар ва артериал аневризмаларни даволаш самарадорлигини ошириш учун 3Д моделлаштириш ва геномик тадқиқотлар ўрганилган (Махкамов М.К., 2021), ёшга оид шикастланмаган калла ичи қон кетишининг клиник кечиши комплекс ташхислаш ва даволаш такомиллаштирилган (Мамадалиев А.Б., 2022).

Дунёда бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмалари билан оғриган замонавий жиҳозланган жарроҳлик блоклари мавжудлиги ва жарроҳлик ёрдамнинг яхшиланишига қарамай, катта ва гигант аневризмаларни дифференциал даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижалари ва оқибатлари ҳали ҳам қониқарсиз бўлган (Sirakova K., 2022, Rabiĥ A., 2024). Буларнинг барчаси ушбу йўналишда илмий тадқиқотларни давом эттириш заруратини белгилаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Ушбу диссертация бўйича тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган. Диссертация материалларида “Замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали нейрохирургия

беморларига ташхис қўйиш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш” ҳамда “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга мувофиқ фойдаланилган. Шу жумладан “Янги ишланмалар ва технологияларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш ” илмий – тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.**

Бош мия қон-томирларининг катта ва гигант аневризмалари бўлган беморларни диагностикаси ва микрожарроҳлик даволашнинг замонавий усулларини такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмаларининг морфологик хусусиятларини аниқлаш билан бирга аневризманинг жойлашиши ва клиник кўринишнинг турига қараб хусусиятларини аниқлаш;

катта ва гигант аневризмаларнинг ҳақиқий ўлчамини аниқлашда турли инструментал текшириш усулларининг маълумот бериш самарадорлигини, уларнинг атрофдаги тузилмалар, мия паренхимаси, ташувчи қон томири ва перфорант артериялар билан ўзаро алоқасини, шунингдек, аневризманинг тромбланиш даражаси ва хусусиятини баҳолаш;

катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмалар билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаш натижаларини прогнозлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмаларини жойлашуви ва клиник кечишига қараб, микрохирургик операциянинг оптимал турини аниқлаш;

катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмалари бўлган беморларни даволашда минимал даражада инвазив кириш жарроҳлик усулларининг самарадорлигини баҳолаш;

ретро ва проспектив таҳлил асосида катта ва гигант бош мия қон-томирлари артериал аневризмаларни микрохирургик даволашнинг эрта ва кечиктирилган натижаларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 2013–2023-йилларда даволанган 221 нафар бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмалари билан касалланган беморларни текшириш ва даволаш натижалари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмалари билан касалланган беморларнинг жарроҳлик даволашдан олдин ва кейин клиник, неврологик, радиологик, нейровизуал ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда умумий клиник, клиник неврологик, нейровизуализацияли (мульти слайсли компьютер томографияси, магнит резонанс томография), радиологик ( селектив церебрал

ангиография) тадқиқот усуллари, клиник баҳолаш шкалалари (ГКШ, Хант-Хесс шкаласи, модификацияланган Ренкин шкаласи), шунингдек, статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

клиник (апоплектиформ, псевдотумороз, эмболик, симптомсиз) ва морфологик хусусиятлар (аневризманинг бўйин қисмидаги калцинатлар, аневризманинг гумбазидан артериал томирларнинг чиқиши ва гумбазнинг тромбозланиши) катта ва гигант аневризмалари бўлган беморларда аневризматик касалликнинг жойлашуви ва клиник кечиш турига қараб аниқланган;

катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмалари бўлган беморларни компьютер томографик ангиография ва бош мия қон-томирлари селектив ангиографияси асосида операциясини режалаштириш, қисқичлаш турини танлашга боғлиқлиги исботланган;

катта ва гигант бош мия аневризмаларини микрохирургик даволаш учун ишлаб чиқилган реконструктив усулнинг самарадорлиги (аневризмани қисқичлаш, сўнгра аспирация ва гумбаз резекцияси) исботланган (IAP № 7760, 15.07.2024 йил);

операция вақтида жароҳатланишни ва жарроҳлик кириш йўли билан боғлиқ бўлган ассосирланган асоратларни камайтириш, тавсия этилган каминвазив жарроҳлик усулини қўллаш орқали асосланган;

турли даражадаги тромбланган катта ва гигант аневризмаларнинг гумбазини резекция қилганда операциядан кейинги кузатувларда резидуал аневризма қайта учрамаслиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

клиник, неврологик, МСКТ, МРТ ва селектив қон-томирлар ангиографияси маълумотлари асосан краниотомия усулини танлаш ва микрохирургик қиёсий даволаш учун аниқланган кўрсатмалар даволаш натижаси кўрсаткичларини яхшилаш учун тавсия этилган;

катта ва гигант бош мия қон-томирлари артериал аневризмаларини диагностика қилиш ва микрохирургик даволашнинг қиёсий услубларини прогнозлаш учун алгоритмлар, комплекс компьютер дастурлари ишлаб чиқилган;

турли кичик кесимлар орқали кам инвазив жарроҳлик кириш усуллари такомиллаштирилган ва кичик кесимлар орқали микрохирургик техниканинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган;

такомиллашган диагностика алгоритмлари, даволаш тактикаси ва натижаларни прогнозлаш усулларини жорий этилиши, ўлим ва ногиронликни камайтириши, даволаш натижаларини яхшилаши, бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмалари бор беморларнинг ҳаёт сифатини ошириши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** беморларнинг аҳволини баҳолашнинг объектив мезонларидан фойдаланиш, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувлар ва статистик

таҳлиллар мажмуаларини тўғри қўллаш, диссертацияда муҳокама қилинган муаммоларни ҳал қилиш усуллари билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмалари билан оғриган беморларни клиник кечиши, аневризманинг жойлашиши, атрофдаги тузилмалар, мия паренхимаси, ташувчи қон томири ва перфорант артериялар билан ўзаро алоқаси асосида даволашда тавсия этилган операциядан олдинги босқичда олинган маълумотлар оптимал жарроҳлик тактикасини танлашда имкон яратганлиги ҳамда ўлим кўрсаткичлари ва асоратларни камайганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмалари билан касалланган беморларни ташхислаш мезонлари, касалликнинг баҳолаш шкаласи ва оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш алгоритми беморларда жарроҳлик аралашувига индивидуал ёндашувни топиш имконини беради ва ўлим кўрсаткичи камайганлиги, неврологик етишмовчиликни тикланиш муддатлари қисқарганлиги, жарроҳлик амалиёт самарадорлигини оширганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 15 январдаги 11/20-сонли хулосасига биноан:

**биринчи илмий янгилик:** клиник (апоплектиформ, псевдотумороз, эмболик, симптомсиз) ва морфологик хусусиятлар (аневризманинг бўйин қисмидаги калцинатлар, аневризманинг гумбазидан артериал томирларнинг чиқиши ва гумбазнинг тромбозланиши) катта ва гигант аневризмалари бўлган беморларда аневризматик касалликнинг жойлашуви ва клиник кечиш турига қараб аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* катта ва гигант аневризмалари бўлган беморларнинг апоплектик тури клиник кўриниши субарахноидал бўшлиқга қон қўйилиши билан характерланади ва аневризмаларнинг ўлчамига боғлиқ бўлмаган. Псевдотумороз ва эмболик турларидаги катта ва гигант аневризмаларда симптоматика аневризманинг жойлашуви ва унинг ўлчамига боғлиқ бўлган. Катта ва гигант аневризмаларнинг асосий морфологик хусусиятлари, микрохирургик услубларни танлашга таъсир кўрсатадиган омиллар бўлиб, аневризма қопчасининг тромбозланиши, кальцинатлар ва аневризманинг деворида атеросклероз, аневризма бўйин қисмининг кенглиги, аневризма қопчасидан дистал қон-томирларнинг чиқиши ҳисобланади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббий маркази Фарғона филиали (02.06.2022 й. №13), Сурхондарё филиали (10.02.2022 й. №15-Т), Наманган филиали (14.12.2022 й. №300/1-А/Ф), Навоий филиали (05.05.2022 й. №74), Сирдарё филиали (07.11.2023 й. №126); Қашқадарё филиали (08.02.2024 й. №35) нейрохирургия бўлимлари амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* илмий янгиликни амалиётга жорий этиш операция вақти ва

даволаш услубларини танлаш бўйича объектив қарор қабул қилишга имкон берди, бу эса даволаш натижаларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ўлимни, ногиронликни камайтиришга ва беморларнинг шифохонада даволаниш муддатини қисқартиришга ёрдам берди.

*Иқтисодий самарадорлиги:* ўз вақтида ташхис қўйиш туфайли шошилиш қарорлар қабул қилиш ва юзага келган муаммоларни бартараф этиш асоратларни олдини олади ва беморларни кузатув натижалари асосида даво услубини таклиф қилишга ёрдам беради. *Хулоса:* натижаларни жорий этиш, тезкор чоралар қўриш, юзага келган муаммоларни олдини олиш ва бартараф этишни прогноз қилишга ёрдам берди, шу билан бирга молиявий харажатларни камайтиришга имкон берди.

**иккинчи илмий янгилик:** катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмалари бўлган беморларни компьютер томографик ангиография ва бош мия қон-томирлари селектив ангиографияси асосида операциясини режалаштириш, қисқичлаш турини танлашга боғлиқлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* қисқичлаш турини танлашда операциядан олдинги самарали режалаштириш компьютер томографик ангиографияси ва селектив бош мия қон-томирлари ангиографияси маълумотларига асосланади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббий маркази Фарғона филиали (02.06.2022 й. №13), Сурхондарё филиали (10.02.2022 й. №15-Т), Наманган филиали (14.12.2022 й. №300/1-А/Ф), Навоий филиали (05.05.2022 й. №74), Сирдарё филиали (07.11.2023 й. №126); Қашқадарё филиали (08.02.2024 й. №35) нейрохирургия бўлимлари амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш микрожарроҳлик даволаш услубларини танлаш бўйича объектив қарор қабул қилиш имконини берди, бу эса ўз вақтида ташхис қўйиш ва микрожарроҳлик даволашга дифференциал ёндашувни қўллаш имконини берди, бу эса стационар даволаниш муддатини қисқартиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* бош мия қон-томирларининг катта ва гигант аневризмалари билан оғриган беморларни комплекс текширишни тартибга солиш эрта ташхис қўйиш ва даволаш тактикасига ўз вақтида қиёсий ёндашишга олиб келди, бу эса даволаш натижаларини яхшилашга, беморларни эрта фаоллаштиришга, касалхонада даволаниш муддатини қисқартиришга ёрдам берди, бу ҳар бир бемор учун 320 000 – 400 000 сўмни ташкил этди (РИНИАТМ филиаллари нархлари прејскурантига кўра, шифохонада ётоқ куни 170 000 сўм). *Хулоса:* бош мия қон-томирларининг катта ва гигант аневризмалари бўлган беморларни ҳар томонлама текширишдан ўтказиш адекват даволаш тактикасини танлашни таъминлади ва шу билан ўлим, ногиронлик, стационарда қолиш ва молиявий харажатларни сезиларли даражада камайтириш имконини берди.

**учинчи илмий янгилик:** катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмаларини микрохирургик даволаш учун ишлаб чиқилган реконструктив усулнинг самарадорлиги (аневризмани қисқичлаш, сўнгра

аспирация ва гумбаз резекцияси) исботланган (IAP № 7760, 15.07.2024 йил). *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмаларини микрожарроҳлик йўли билан даволаш учун такомиллаштирилган реконструктив услуб (аневризмани қисқичлаш, сўнгра аспирация ва гумбазни резекция қилиш) атрофдаги бош мия тузилмаларига эзилишиги ва ҳажмли таъсирдан бартараф этади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббий маркази Фарғона филиали (02.06.2022 й. №13), Сурхондарё филиали (10.02.2022 й. №15-Т), Наманган филиали (14.12.2022 й. №300/1-А/Ф), Навоий филиали (05.05.2022 й. №74), Сирдарё филиали (07.11.2023 й. №126); Қашқадарё филиали (08.02.2024 й. №35) нейрохирургия бўлимлари амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* такомиллаштирилган реконструктив методикани қўллашдаги аниқ самарадорлик, беморларнинг ҳаёт сифати ошишига ёрдам беради, беморларни эрта фаоллаштиришни таъминлайди ва операциядан кейинги асоратларнинг ривожланишини олдини олади. *Иқтисодий самарадорлиги:* аневризмани қисқичлашдан фарқли ўлароқ, аневризмани қисқичлаш, сўнгра аспирация ва гумбаз резекцияси қилиш, бу усул атрофдаги бош мия тузилмаларини эзилишини ва ҳажмли таъсирдан бартараф этади. Ушбу услуб ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни камайтириш имконини беради. *Хулоса:* тадқиқотда ишлаб чиқилган реконструктив услуб даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилади, операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтиради ва анъанавий ва бизнинг усулларимиз ўртасидаги фарқ туфайли молиявий харажатларни камайтирди.

**тўртинчи илмий янгилик:** операция вақтида жароҳатланишни ва жарроҳлик кириш йўли билан боғлиқ бўлган ассосирланган асоратларни камайтириш, тавсия этилган каминвазив жарроҳлик усулини қўллаш орқали асосланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* минимал инвазив краниотомия усули анъанавий усуллардан фарқли ўлароқ, терининг кичик ўлчамли кесилиши ва энг кам тўқималар шикастланиши билан патологик марказга максимал даражада кириш имконини беради. Бу усул кам шикастлидир ва катталар ва болаларда қўлланилиши мумкин. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббий маркази Фарғона филиали (02.06.2022 й. №13), Сурхондарё филиали (10.02.2022 й. №15-Т), Наманган филиали (14.12.2022 й. №300/1-А/Ф), Навоий филиали (05.05.2022 й. №74), Сирдарё филиали (07.11.2023 й. №126); Қашқадарё филиали (08.02.2024 й. №35) нейрохирургия бўлимлари амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ушбу усул касалларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, эрта фаоллашишни таъминлайди ва операциядан кейинги асоратларни ривожланишини олдини олади. Касалларнинг яхши тикланиши, косметик ва неврологик ҳолатларининг яхшиланиши катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмаси бўлган беморларни ижтимоий самарадорлигини исботлайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* анъанавий краниотомиядан фарқли ўлароқ, мазкур услуб кам жароҳатли бўлиб, косметик нуқсонни тиклаш мақсадида такрор операциялар

ўтказишга эҳтиёж йўқ. Бу услуб ҳаёт сифатига яхшиланишга, ногиронликни камайтиришга имкон беради. *Хулоса:* тақомиллаштирилган каминвазив усулдаги операциялар даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилайти, операциядан кейинги асоратларнинг хавфини камайтиради ва анъанавий усул ва бизнинг услубимиз ўртасидаги фарқ туфайли ҳар бир беморга ўртача 2 270 000 сўмни ташкил этадиган молиявий ҳаражатларни камайишига олиб келди.

**бешинчи илмий янгилик:** турли даражадаги тромбланган катта ва гигант аневризмаларнинг гумбазини резекция қилганда операциядан кейинги кузатувларда резидуал аневризма қайта учрамаслиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланган ҳолда қиёсий даволаш тактикасини қўллаш катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмаси бўлган беморларда резидуал аневризма қайта учрамаслиги, оғир ногиронликни 5,9% га, ўлимни 4,3% гача камайтиришга имкон берди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббий маркази Фарғона филиали (02.06.2022 й. №13), Сурхондарё филиали (10.02.2022 й. №15-Т), Наманган филиали (14.12.2022 й. №300/1-А/Ф), Навоий филиали (05.05.2022 й. №74), Сирдарё филиали (07.11.2023 й. №126); Қашқадарё филиали (08.02.2024 й. №35) нейрохирургия бўлимлари амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларни тизимлаштириш, ишлаб чиқилган дастурий таъминотлар комплексида прогнозлаш, қиёсий тактикани қўллаш – ўлим, ногиронлик кўрсаткичларини камайтирди, шифохона ўрин-кунларини қисқартирди. *Иқтисодий самарадорлиги:* катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмаси бўлган беморларда комплекс ташхислаш, прогнозлаш, дифференциал даволаш тактикасини қўллаш нейрореанимация ўрин-кун ҳаражатларини ҳар бир беморда ўртача 1 200 000 сўмга иқтисод қилди. *Хулоса:* ишлаб чиқилган бош мия қон-томирлари аневризмаси бўлган беморларни қиёсий даволаш тактикаси сезиларли равишда даволаш натижаларини яхшилайти, шифохона ўрин-кунларини қисқартириб ҳар бир бемор учун ҳаражатларни ўртача 5 000 000 сўмга камайишига олиб келди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 4 та ҳалқаро ва 2 та Республика миқёсида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 6 боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий иш мавзусининг муҳимлиги ва долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.


Диссертациянинг **биринчи бобида** “Катта ва гигант бош мия қон-томирлари аневризмаларини диагностикаси ва микрожаррохлик даволашнинг замонавий усуллари” адабиёт маълумотлари таҳлили келтирилган бўлиб, бунда касалликнинг этиологияси, патогенези, эпидемиологияси, хирургик тактикаси бўйича сўнгги адабиёт маълумотлари батафсил тавсифланган. Замонавий диагностика ва даволаш усуллари келтирилган. Турли микрохирургик даволаш усуллари таҳлил қилинган. Микрохирургик даволашнинг эрта ва кечки натижаларга, кўриш ва ҳаракат бузилишларининг динамикасига, шунингдек резидуал ёки янги аневризмаларнинг пайдо бўлиш хавфини оширадиган омилларга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **иккинчи** “Тадқиқотнинг клиник материаллари ва тадқиқот усуллари умумий тавсифи” деб номланган бобида тадқиқот объектининг ўзига хос хусусиятлари, қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминловчи усул ва услубий ёндашувлар келтирилган.

Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида олиб борилди. Клиник ва неврологик хусусиятларни истиқболли ўрганиш ва ретроспектив таҳлил қилиш мақсадида 2013-2023 йилларда 221 та катта ва гигант аневризмалар билан беморларнинг даволаш клиник натижалари таҳлил қилинган. Тадқиқот 221 беморни ўз ичига олган бўлиб, улар икки гуруҳга бўлинган:

**Асосий гуруҳ** – катта ва гигант аневризмалари бўлган беморлар 52% (n=115), уларга 2019-2023 йилларда Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида такомиллаштирилган диагностика ва даволаш методлари асосида стационар даволаш олиб борилган.

**Назорат гуруҳ** – катта ва гигант аневризмалар билан беморлар 48% (n=106), уларга 2013-2018 йилларда Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида анъанавий усулда даволаш амалга оширилган. 221 та бемордан 63,3% (n=140) аёллар ва 37% (n=81) эркеклар бўлган. Асосий гуруҳ беморларининг ўртача ёши  $43,1 \pm 1,4$  ёшни ташкил этган. Эркаклар — 42 (36,5%), аёллар — 73 (63,5%). Назорат гуруҳ беморларининг ўртача ёши  $42,9 \pm 1,3$  ёшни ташкил этган. Эркаклар — 39 (36,8%), аёллар — 67 (63,2%). Кўриниб турибдики, умумий беморлар орасида аёллар кўпчиликни ташкил этган, бу 63,3% (n=140) ни ташкил этган. Бу билан бирга, энг кўп сонли меҳнатга лаёқатли ёшдагилар — 31-70 ёшлар 79,2% (n=175) ташкил этган (1-расмга қarang).



**1-расм. Ёшга доир аёллар ва эркаклар нисбати.**

Аневризмаларнинг ўлчами бўйича биз уларни 2 та гуруҳга тақсимладик, бу ҳолат 1-жадвалда кўрсатилган.

**1-жадвал**

**Аневризмаларнинг жойлашуви бўйича тақсимланиши**

Аневризма ўлчамлари	Назорат гуруҳ		Асосий гуруҳ	
	абс.	%	абс.	%
Катта	87	82,2±3,7	81	70,4±4,3
Гигант	19	17,8±3,7	34	29,6±4,3

Назорат гуруҳидаги аневризмаларнинг ўртача ўлчами 19,9±0,64 мм, асосий гуруҳда эса 21,0±0,76 мм ни ташкил этган. Бизнинг тадқиқотимизда 91 (41,17%) беморда ички уйқу артериясининг аневризмаси аниқланган, 59 (26,69%) беморда ўрта мия артериясининг аневризмаси, 54 (24,43%) беморда олдинги мия артерияси аневризмаси, 7 (3,16%) беморда орқа мия артерияси аневризмаси ва 10 (4,52%) беморда базиляр артериясининг аневризмаси аниқланган. Аневризмаларнинг жойлашуви 2-жадвалга келтирилган.

**2-жадвал**

**Аневризмаларнинг жойлашуви бўйича тақсимланиши**

Аневризманинг жойлашуви	Назорат гуруҳи, n=106		Асосий гуруҳ, n=115	
	абс.	%	абс.	%
Ўрта мия артерияси	25	23,3±3,2	34	29,6±4,3
Олдинги мия артерияси ва олдинги қўшувчи артерия	33	30,6±3,6	21	19,1±3,7
Ички уйқу артерияси	41	38,2±3,8	50	43,5±4,6
Орқа мия артерияси	3	2,8±1,6	4	3,5±1,7
Базиляр артерия	4	3,7±1,8	6	5,2±2,1

Беморларнинг аксарият кисмида операциядан кейинги ҳолат операциядан олдинги ҳолатдай сақланиб қолди. Жарроҳлик давридан кейин беморларнинг 93,69 фоизида яхши тикланиш натижалари кузатилди. Беморларнинг 14,41 фоизида енгил ўчоқли ўзгаришлар кузатилди, беморларнинг 3,6 фоизи оғир неврологик етишмовчилик кузатилди.


Бизнинг кузатишларимизда 94,1% (n=208) ҳолатда қопчасимон аневризмалар қайд этилган. 5,9% (n=13) ҳолда фузиформ аневризмалар аниқланди (3-жадвалга қаранг).

### 3-жадвал


#### Бош мия қон-томирларининг катта ва гигант аневризмаларини шакли бўйича тақсимланиши

Шакли бўйича	Назорат гуруҳи		Асосий гуруҳ	
	абс.	%	абс.	%
Қопчали аневризмалар	101	95,3±2,0	107	93,0±2,4
Фузиформ аневризмалар	5	4,7±2,0	8	7,0±2,4

Бош мия қон-томирлари катта ва гигант аневризмалари билан касалланган беморларда жарроҳлик аралашувини режалаштиришда магнит-резонанс томографияси (МРТ), мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ва селектив церебрал ангиография натижаларини таҳлил қилиш зарур. МСКТ-ангиография текшируви ўтказилганида аневризмани аниқ жойлашуви ва Виллизий ҳалқасининг тузилишидаги хусусиятлар аниқланган (2 ва 3-расмларга қаранг).



**2-расм. Бош мия томирларининг МСКТ-ангиографияси. 3D-режим. 3D реконструкцияда аневризманинг жойлашуви, магистрал артериялар, уларнинг шохлари ва аневризманинг тузилиши. А – юқоридан кўриниш, Б – ён томондан кўриниш.**



**3-расм. МСКТ-ангиография, давоми. Ички уйқу артериясининг гигант параклиноид аневризмаси.(А, Б – тўғри ва ён проекциядаги режимлар.) Селектив церебрал ангиография (рақамли субтракцион ангиография) асосий гуруҳдаги 24 нафар (20,86%) беморга ўтказилган (4-расмга қаранг).**



**4-расм. Селектив церебрал ангиография, тўғри проекция. Ички уйқу артериясининг гигант параклиноид аневризмаси.**

Бизнинг тадқиқотда ўртача стандарт хатолик усули ( $m$ ), нисбий миқдорлар (частота, %), Спирменнинг параметрсиз мезони қўлланилди. У миқдорий ва тартибли ўзгарувчилар ўртасидаги корреляцион таҳлил учун ишлатилди ҳамда рангли корреляция коэффиценти баҳоланди.

Барча хулосалар математик-статистик усуллар асосида тадқиқот материалларига мос равишда ҳар томонлама ва мақсадга мувофиқ таҳлил қилинди. Замонавий ҳисоблаш воситалари ва дастурий таъминот кенг миқёсда фойдаланилди.

Натижанинг (омонлик, ўлим) эҳтимолини таҳлил қилиш Каплан-Мейер усули ёрдамида амалга оширилди. Қўлланиладиган клиник ва инструментал тадқиқот усуллари, жарроҳлик даволаш усуллари ва уларнинг қўллаш услублари ҳам батафсил тавсифланган.

Диссертациянинг **учинчи бобида** “Катта ва гигант аневризмаси бўлган беморларда клиник ва неврологик хусусиятларни таҳлил қилиш”. Клиник ва неврологик кўринишларни баҳолаш учун клиник турига қараб, катта ва гигант аневризмалари бўлган барча беморлар 4 гуруҳга бўлинган: Апоплектив — 102 (46,15%) бемор; Псевдотумороз — 112 (50,67%); Эмболик — 3 (1,35%); Белгисиз симптомлар — 4 (1,80%) (4-жадвалга қаранг).

**4-жадвал**

**Клиник турлари бўйича аневризмаларнинг тақсимланиши**

Турларнинг кечиши	Назорат гуруҳ n=106		Асосий гуруҳ n=115	
	абс.	%	абс.	%
Апоплектоформ кечиш тури	46	43,0±4,8	56	48,7±4,7
Псевдотумороз кечиш тури	52	49,5±4,9	60	53,9±4,7
Эмболик кечиш тури	3	2,4±1,3	0	0,0
Симптомсиз кечиш типи	4	3,2±1,6	0	0,0

Катта ва гигант аневризмаларда ҳам диффуз бош оғриғи, кўз соҳасидаги оғриқ (ретробулбар оғриқлар), аневризма жойлашишига қараб маҳаллий оғриқлар, пешонада, қош устида, ва ҳоказоларда олиб келиши мумкин. Камдан-кам учрайдиган ва фарқлаш қийин бўлган кўринишларга когнитив бузилишлар, рухий касалликлар, ҳидлаш бузилиши, гидроцефалия ва тутқаноқлар киради. Биз олиб борган тадқиқотда беморлар клиникага бош оғриқлари бўлган асосий шикоятлар билан муружаат қилган. Кўплаб беморларда 217 (98,2%) ҳолат) бош оғриқлари сурункали характерлиги аниқланган. Бош оғриқлари асосан олд бош ва энса соҳасида жойлашган. Беморлар бош оғриқларидан шикоят қилишган, одатда жисмоний зўриқишда кучаяди. Кўплаб беморларда бош оғриғи билан бирга кўнгил айниш ва қусишлар ҳам кузатишган (5-жадвалга қаранг).

**5-жадвал**

**Катта ва гигант аневризмаларнинг симптоматикасига кўра, клиник текширувдаги турларига боғлиқ тақсимоти (n=221)**

Симптомлари	Апоплектиформ (n=102)		Псевдотумороз (n=112)		Эмболик (n=3)		Симптомсиз (n=4)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Умум мия	98	96,1	98	85,2	2	100,0	4	100,0
Эс-хуш ўзгариш	8	7,8	0	-	0	-	0	-
Менингеал	86	84,3	0	-	0	-	0	-
Ўчоқли	27	26,5	14	12,2	2	100,0	0	—
Бош мия нервларининг шикастланиши	12	11,7	82	71,3	0	-	0	-
Мияча	4	3,90	5	3,34	0	-	0	-
Психик ўзгаришлар	22	21,5	12	10,43	0	-	0	-
Тутқаноқлар	16	15,7	7	6,08	1	50,0	0	-

**Таҳлил қилинган жадвалдан хулоса қиладиган бўлсак:** Катта ва гигант аневризмаларнинг апоплектиформ кечиш турида бош оғриғи (96,1% беморларда) ва менингеал симптомлар (84,3%) беморларда ташкил этган. Псевдотумороз клиник тури беморларда клиник кўринишида умум мия белгилари (85,2%) ва бош мия нервларининг зарарланиши (71,3%) устунлик қилади. Эмболик турда ўчоқли симптоматика (100%) ташкил этган.

**Катта ва гигант аневризмалари** қон қуюлишлари (апоплектиформ формаси), псевдотумороз клиникаси (бош мия ўсмаларига ўхшаш) ва эмболик намоён бўлишлари билан намоён бўлади. Камроқ ҳолларда ушбу намоён бўлишлар ёки симптомсиз кўринишда кузатилиши мумкин, бу ҳолда аневризма бошқа сабаблар бўйича текширувда тасодифан аниқланади. Энг кўп тарқалган вариант апоплектиформ клиник кечиш тури бўлиб, беморлар нейрохирургик стационарга шошилишч госпитализация қилишни талаб қилган. Беморларда аневризмани ёрилиши ва ҳолатнинг оғирлигига кўра Хант-Хесс шкаласи бўйича госпитализация қилинган: I даража - 84 (37,8%) бемор, II даража - 15 (6,76%), III даража - 2 (0,90%), IV даража - 1 (0,45%). Супраклиноид аневризмалари бўлган беморларда қон қуйилишининг клиник кўриниши субарахноидал қон қўйилиш клиникасига ўхшаш бўлиб, тезда пайдо бўлган бош оғриғи ва хушнинг йўқолиши, умумий мия белгилари (бош оғрик, кўнгил айланиши, қусиш бошқалар) ва менингеал (энса мушаклари ригидлиги) симптоматикаси билан белгиланган. Қон қуйилишида ўчоқли неврологик етишмовчилик билан бирга келади, одатда бу кўриш (кўриш майдонлари) ва кўз ҳаракатлари (III нерв функциясининг бузилиши, камроқ ҳолларда VI нерв) билан боғлиқ бўлади.

